



АДОЛАТ



Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси


1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1998 йил, 31 июль, № 30 (173) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Етти йил мўъжизалари

ИСТИҚЛОЛ МЕВАЛАРИ

Мустақиллигимиз тантаналарига деярли бир ой қолганида биз, авваллари юртимизда бўлмаган, бўлса ҳам ўзимиз эғалик қилолмаган, фақат истиқлол туфайли юзага келган соҳалар, тармоқлар, йўналишлар, ярақ этган кўринишлар ҳақида эслаб қолдик. Бирма-бир санадик уларни. Анчагина экан. Лекин биз етти йиллик арафасида улар орасидан ўзимизга энг муҳим бўлиб кўринган еттитасини танлаб олиш ва улар ҳақида фикр юртишга жазм қилдик.

1. ЭЪТИРОФ



Элчихона. Бундан атиги етти-саккиз йил муқаддамгина бирон-бир кимсани «фалончи давлатнинг элчихонаси қаерда жойлашган?» деб сураш кулиги туюларди. Зотан бу нарсанинг ўзи йўқ эди. Ана энди эса биз жаҳонни, жаҳон бизни таниган, ҳар гавжум кўчада битта давлат элчихонаси... Уларнинг пештоқида ўша давлатларнинг байроқлари бизнинг Ўзбекистонимизга ишонч рамзини билдирган каби шабадада шўх-шўх тебраниб, ҳилпираб турибди.

Элчихоналар бу мустақиллигимизнинг эътирофидир. Ҳа, республикамиз пойтахтида ҳозир жаҳондаги етакчи барча давлатларнинг элчихоналари мавжуд. Ўз-ўзидан тушунарлики, ўша мамлакатларнинг бош шаҳарларида бизнинг элчихоналаримиз ҳам ишлаётди. Элчихона қаерда жойлашган бўлмасин ўша, ўш мамлакатнинг дахлсиз бир парча ҳудуди, ўша юртининг ўз ери ҳисобланади.


Демак, Ўзбекистонимизнинг ҳам жаҳондаги ўнлаб мамлакатларда бир парчадан ери, демакки ўзбек кўшининг тафти бор. Шуларни эслар эканмиз, ногоҳ шоирнинг гурур-ифтихорга тўла сатрлари ёдга тушади.

Нечун хушнуд бўлмай, дилимни ёрмай,
Уммон ортида ҳам бордир маконим,
Дунёнинг қайси бир бурчида бормай,
Ўзинг бошпана бўл, Ўзбекистоним!

2. ҚАЛҚОН

Яқин бир зобит дўстимиз ўзининг 14 январь кuni туғилган ўғлига Зафар дея ном қўйбди.

— 14 январь — республикамиз Қуролли Кучларининг байрами, — изоҳ берди у. — Ўғлимнинг қадами зафарли бўлсин деб умид қилдим...



Қуролли Кучлар — ҳар бир давлатнинг мустақиллигини белгилوғчи пул, чегара каби асосий белгилардан биридир. Республикамиз ўз истиқлолини қўлга киритгач, тез орадаёқ ўзининг мустақил Қуролли Кучларига асос солганлиги ҳам бу нарсанинг қанчалик аҳамиятли эканлигидан далолат бериб турибди. Ўзбекистон чегараларини энди юртимизнинг ўз ўғлонлари қўриқлаб турибдилар. Улар кун сайин ўзларининг жанговар тайёргарлигини мукамаллаштирган ҳолда юртимиз озодлиги, эркини кўз қорачиғидек асраш, керак бўлса бу эзгу йўлда жонни фидо қилишга ҳам ҳар дақиқа, ҳар сонияда шайдорлар.

Шуларни эслар эканмиз, ногоҳ тарихимизнинг қора, машъум саҳифалари ёдга тушади. Бир неча йил аввал биз билан суҳбатда сарбосиёлик бир она йўлаб гапирганди:

— Катта ўғлим Афғонда нобуд бўлди. Энди кенжамнинг жони учун хавотир олиб турибман...

Бу истибдод йиллари бўлган эди. Собик империя она сўти оғзидан кетмаган ёшларни автомат ўқлари ёмғирига тутиб берадди. Инсон жонининг пашшачилик қадри йўқ эди унинг учун.

Шуқурлар бўлсинким, йигитларимиз энди, мустақиллигимиз туфайли, фақат ўз она юртида хизмат қилади-ган бўлдилар. Бизнинг Қуролли Кучларимизга эъраон-лик, босқинчилик бутунлай ёт. Биз ўз ҳудудимиз, сарҳадларимиз, озодлигимиз, ўз мустақиллигимизни қўриқ-лаймиз, ҳолос. Халқимиз шу нарсани ўз фарзандларига ишониб топширган.

3. ҚАНОТ

Ўзбекистонимизда мустақиллик йилларидан аввал ҳам самолётлар бор эди. Улкан «ТУ», «ИЛ» ва шунга ўхшаш пулат қушлар юртимиз осмонини фаробан шарққа ва шимолдан жанубга қўнига неча бор чиқиб чиқарди. Лекин, беҳиштадгадй, кўрмоқ бор эдию, емоқ йўқ эди, зотан бу само қушларининг биронтасига Ўзбекистоннинг «тиши ўтмасди». Москвада жойлашган, «Аэрофлот» деб аталмиш қудратли компаниянинг самолётлари эди улар. Бир нарс ҳақида айтиб ўтсак кўп нарса тушунарли бўлиб қолса керак: Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги биринчи раҳбарлари ҳам Москвага қақирилганлариди оддий, рейс самолёти билан учиб борардилар...

Мана энди эса ўзбек халқи ўз қанотларига эга бўлди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясини ҳозир жаҳонда танимайдиганлар жуда кам. Сатҳига ана ўша сўзлар ёзилган пулат қушларни ҳозир Нью-Йорк Лондонда, Дех-лиу Тель-Авивда, Карачио Анкарада, қўйингки, жаҳоннинг турли бурчақларида учратиш мумкин. Уларнинг аксарият кўпчилигини ўзбек миллияга мансуб экипаж аъзолари бош-қариб юришибди. Ҳамма самолётлар салонларида учиб да-вомида ўзбек кўй-қўшиқлари жарангайди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» мустақил давлатимизни бир-данига жаҳонга яқин қилди қўйди. Авваллари, масалан, Ва-шингтонга бормоқчи бўлган ўзбекистонликлар ўзга юрт-ларнинг аэропортларида самолётини самолётга алмашти-риш учун кўнлаб қолиб кетардилар. Энди эса Тошкентдан йўлга чиққан киши ўз ўриндигини тарк этмаган ҳолда жа-ҳоннинг хоҳлаган бурчагига қудратли, серхашам «А-310», «Боинг» самолётларида бир неча соат ичидаёқ етиб олиши мумкин. Бу нарс қалбимизга гурур-ифтихор зиёсини соч-май қўймайди, албатта.

4. ТЕСТ

Ўтган йили тахририятимиз водий томонлардан антика бир хат олган эди. «Давлатимиз бошида ўтирган, тест де-ган яхши нарсани ўйлаб топган кишиларга раҳмат айтиб қўйсалирингиз, — дейилган эди оддий пахтакорнинг хати-да. — Катта ўғлимизни шифокор қилиб тарбиялаш нияти-миз бор эди. Лекин пулимиз етмади, ўқитолмадик... Кейинги фарзандимиз ўрта мактабни битириш арафасида тест де-ган нарс пайдо бўлиб қолди. «Дада, ҳеч қандай пулингиз керак эмас, фақат йўлқирамини қилиб берсангиз бўлди, ўқиш-га кириб келаман», деди. Аввалига ишонмадим. Лекин Тош-кентга бориб кириб келди, азамат. Ҳозир ТошМИда ўқияп-ти...».

... Эртага мамлакатимизнинг барча олий ва ўрта ўқув юртиларида кириш имтиҳонлари бошланади. Улар кейинги уч-тўрт йилда бўлаётгани каби, яна тест усулида ўтказила-ди. Жаҳон тахрибасининг энг яхши намуналарини ўзида акс эттирган бу усул нақадар афзал эканлигини ўтган давр яққол намоён эди. Тест усули қиларнингдир кўнглини овлаш, таниш-билишчилик, энг асосийси — порахўрлик йў-лида ўтиб бўлмас қалқон бўлди. Олий ва махсус билим юртиларига фақат илм соҳиблари, ҳақиқий иқтидор, истеъдод эгалари қабул қилина бошладилар.

Қўлаб йигит-қизлар чет эллардаги нуфузли олий ўқув юртиларига танлаб олинаётганликлариди ҳам бу усулдан са-марали равишда фойдаланилмоқда. ХХI асрнинг Бериуил-лари, Хоразмийлари, Улуғбекларини рўёбга чиқаришда бу усул ҳолис, адолатли рол ўйнаши билан мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари тарихида қолши, шубҳасиз.

5. БИРЖА

Яқинда Қорақалпоғистонда хизмат сафарига бўлар экан-миз, қизиқ бир ҳолга дуч келдик. Иши юришиб кетган кор-хона раҳбарлари билан суҳбатлашиб ўтириб, мазкур корхо-на бир неча йилдан бери очик ҳиссдорлик жамиятига айлантирилганини, ҳиссдорларнинг ҳар бири ўтган йили ўз акцияларига 400 сўмдан дивиденд олганликларини бил-дик. Жамоа аъзоларининг баъзилари хатто фақат дивиден-д ҳисобигагина 50-60 мингдан пул олибдилар.

Ҳавасимиз келди, ростини айтсак...

— Бизни ҳам ҳиссдор қилиб ўз жамиятларингизга қабул қилсаларингиз бўлар экан, — дея ҳазиллашдик.

— Ҳеч қийин жойи йўқ, — дейишди мезбонлар, — Тошкент-да, тахририятингизнинг шундайгина ёнобошида республи-ка қимматли қўғозлар биржаси жойлашган. Ўша ердан бизнинг акцияларимизни хоҳлаганча сотиб олишларингиз мумкин. Шу билан биз, ҳиссдорларнинг қаторимизга қў-шилмасиз-қоласиз.

Биржа... Бундан атиги ўн йил муқаддамгина бу сўзни ҳар биримиз қандайдир ижиграниш билан талаффуз қилардик. Рост айтсак, жамиятимиз учун ҳийла ёт эди бу сўз. Хатто «Ўзбек тилининг изоҳли лўғати»да ҳам у шундай талқин қилинарди: «Биржа — капиталистик мамлакатларда қим-матбаҳо қўғозлар ва ҳар хил моллар савдо-сотик қилина-диган йирик савдо муассасаси».

Мустақиллигимизнинг етти йили давомида бу сўз ҳаёти-миздан мустаҳкам ўрин олди. Ҳозир бирон бир йирик кор-хона ёки жамият йўқки, ўз қимматбаҳо қўғозларини рес-публика биржа бозорига олиб чиқмаган бўлсин. Жойларда-ги қўлаб биржалар янги иқтисодий ислохотларимизни теб-ратувчи ўзига ҳос бешик, тўғри йўлга солувчи компас бў-либ қолди. У ҳар бир корхонанинг бели қанчалар бақувват эканлигини ўлчаб берадиган тарозу ҳамдир.

Ҳа, мустақиллигимиз жаҳон бозорининг тараққиётини уни-нгсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган бу сўзни ҳаётимизга дадил олиб кирди. У энди бизга жаҳон халқлари билан тенг қадам ташлашимизнинг ишончли қафолати сифатида хизмат қилаётди.

6. ОФАТЛАРГА ҚАРШИ...

Бу йил республикамизнинг сўлим оромгоҳи Шохимар-донда фалокат юз берди. Табиий офат оқибатида юздан ортик ҳамюртимиз оламдан ўтди. Мабодо давлатимиз бу нарсдан хабар топиши биланок шошилинч чора-тадбир-ларни кўрмаганида, унинг оқибати ҳийла ёмон бўлиши та-биий эди. Бу табиат балосини бартараф қилишда муста-



қиллик туфайли дунёга келган янги вазирлик — Фавку-лодда вазиятлар вазирлиги жонқурлари жонларини жаб-борга бериб хизмат қилдилар.

Энг аввало, ҳеч кимнинг мазкур муассасага иши туш-масин. Лекин бу — ҳаёт. Баъзан у ёғлайди, баъзан доғ-лайди. «Фалокат оёқ остида»деган нақл бор халқимизда. Мабодо бирон-бир жойда қўтилимаган табиий офат, ай-тайлик, зилзила, кўчки, сув тошқини, қўчи бурон, ёнгин ва шу кабилар туфайли жиддий вазият юзага келса, ўшбу вазирлик мутахассислари бир дақиқа-вақтни ҳам кечик-тирмай, энг тезроқ транспорт воситалари ёрдамида ўша ерга десант ташлайдилар. Давлатимиз бу вазирлиқнинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳамма шарт-шароитни яратиб бермоқда.



Мустақиллик йилларидан аввал ҳам республикамизда шундай тузилмалар бўлган-ку, деган савол туғилиши та-биий. Булган, албатта. Лекин бир нарсани, яъни ўша пайт-лар, таъбир жоиз бўлса, оддий гуғурт донасини бир жой-дан иккинчи жойга суриб қўйиш учун ҳам Марказнинг руҳсатини олиш керак бўлганини эсласак, бу вазирликка мустақил давлатимизнинг оёққа туриб олишида нечоғлик катта вазира юклатилганлиги ўз-ўзидан тушунарли бўлиб қолса керак.

7. МАЪНАВИЯТ

Биз етти мўъжизанинг бири — Истиқлолнинг фараҳба-хш мевалари қаторига янгидан қўз оған маънавиятимиз-ни қўйдик, зеро, шоир айтганидай, «Маърифатнинг шуъласига талпиниб зулмат аро, кўзларингдан окди тунлар, Кавказистон ўзбегим».



Истибдод йилларида ҳам бизда маънавият бўлмаган эмасди, бўлганди, лекин у шўро тарғиботи ва мафкура-сининг ялтироқ қизил қўғозига ўралган эди. Биз ҳар хил қилиб-билан чрепановларнинг таржимаи ҳолидан муфас-сал хабардор бўлган ҳолда Колумбдан беш аср муқаддам уммон ортида улкан қитъа борлигини башорат қилган Бе-руний, Нил сувининг босимини мўътадил ушлаб турувчи асбоб ихтиро қилган Ал-Фароний, Ердан Ойгача бўлган масофани аниқ ўлчаб берган Улуғбек боболаримизнинг номларини яхши билмас эдик. Жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимиз, уларнинг хизматла-ри мавҳум эди биз учун. Шарқона одоб, маданият, шарқ илм-фанининг ютуқлари улар битилган китоблар каби қал-лин чанг қатлами остида қолиб кетган эди.

Мустақиллик шарофати туфайли биз ўзимизнинг буюқ яратувчилар — Темирийлар авлодига мансуб эканлиги-мизга, жаҳондан олганимиздан кўра берганимиз кўпроқ эканлигига ишондик. Ҳа, шоир айтганидек:

Тўзиди Мирзо Улуғбек
Қўрагоний жадалин,
Сирли осмон тоқига илк —
Қўйди нарвон ўзбегим.

Истиқлол тожини боши узра кўтарган давлатимиз ўзи-нинг дастлабки қадамлариданоқ халқимизнинг маънавият чашмаси қўзини қайта очилини бош вазифалардан бири қилиб қўйганлиги бежиз эмас. Шу мақсадда Хивада Маъ-мун академиянинг ташкил этилиши, жойларда маънавият ва маърифат марказлари очилиши, қўни кеча эса Вазир-лар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Фанлар академия-си тарих институти фаолиятини тубдан яхшилаш бораси-да қатор амалий тадбирлар бу иш бизда умумдавлат аҳамиятини касб этганлигини яққол намоён этиб туриб-ди.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Қодиржон СОБИРОВ.

Аминманки, Ўзбекистоннинг кела-жаги буюк. Давлатимизда ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ерлар, азим дарёлар бор. Бу муқад-дас заминда меҳнатсевар, истеъдод-ли халқ яшайди.

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ
ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 1998 ЙИЛ 29 АВГУСТ ШАН-БАДАН 31 АВГУСТ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни байрам қилиниши муносабати билан меҳнатқашларнинг дам оли-ши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқи-лона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:
дам олиш кўни 1998 йил 29 август шанбадан 31 август душанбага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ
БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:
биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лисининг ўн иккинчи сессияси 1998 йил 28 август кўни Тошкент шаҳрида қақирлсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 июль.

ПҲҲ

Ўргилайн, ЎЗБЕКИСТОН, бўйингдан,
Наво келар Мустақиллик бўйингдан.
Бободехон хузурига чоғлансам —
Кут- барака тўқилади қўйингдан.

О, муаззам туя ўрқач қирларинг,
Тўлиб оқар Аму билан Сирларинг.
Эғатларини ўпи ётар дурларинг —
Яйловларинг тўла қўзи-қўйингдан.

Ҳар кечган он мозий аро кўприқдир,
Корачуқ — сен... ҳар фарзандинг — киприқдир.
Бир пайт Шўро бўлганлигинг — ўтриқдир —
ИСТИҚЛОЛнинг кўчиб яшар бўйингдан.

Байроғингга Ой, юлдуз бор — осмонсан,
Турли миллат, қавмдаги инсонсан...
Магар қирқта қоқилинг — битта жонсан —
Атлас гулшан — о, муаттар бўйингдан.

ИСТИҚЛОЛМИ ИСТИҚБОЛга уйкашдир,
Сувратда-ю... сийратда кўзу қошдир.
Шеърим ҳам тўй боладай тантқи... ёшдир —
Бекасам тўн кийдирдим — боқ, тўйингдан!!

Абдулла ТУРДИЕВ.

1. Энз улуг, энз азиз неъмат — мустақиллик-нинг аҳамиятини қандай тушунасиз?
2. Мустақиллик давридаги қандай ўзгаришларни таъкидлаган бўлар эдингиз?
3. Келажаги буюк Ўзбекистонни қандай тасав-вур этасиз?

Мўмин ЖУМАНИЕЗОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси, Элли-қалъа туманидаги «Илҳом»
ҳиссдорлик жамиятининг
раиси, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган кишлоқ
хўжалиги ходими.



1. Мустақиллигимиз бизнинг қўлларимиздаги кишанларни ечиб ташла-ди, чил-парчин қилди де-ган сўзаларни мендан ав-валгилар ҳам кўп марта айтганлар. Лекин мен бу нарсага бошқача ургу бер-моқчиман, зотан истиқлол-нинг ўзаклари ҳийла чўқур жойлашган.

Биз ўзлигимизни ҳис қила олдик — гап мана шун-да. Ҳозир ҳар биримизнинг ўз мулкимиз бор, шу сабаб ҳам эртанги кун учун кўнглимиз тўқ. Чорвачи-ликка меҳр қўйган 17 ишчи бир бўлиб, собик жамоа хўжалигининг чорва фермасини сотиб олдик. Ҳозир унинг ҳаққидан бутунлай қутулганмиз. Келгусида ак-циялар ҳисобига оладиган дивидендларимиз фақат ўзимизга қолади. Энди фарзандларимизнинг эртанги кўни учун кўнглимиз тўқ. Бу айтганларим — муста-қиллик деб аталмиш катта даракнинг, таъбир жоиз бўлса, бир куртаги, ҳолос.

2. Энз аввало кишлар руҳиятидаги, онги ва маънавиятидаги ўзгариши. Авваллари биз оломон эдик, энди халқ бўлдик. Ўзбекистонлик деган мағ-рур, жарандор номимиз бор. Биргина мисол: эши-тишимга қараганда, туманимиздаги оддий бир иш-чининг қизи Америкага бориб, бир йил ўқиб келиб-ди. Авваллари шу нарсани тасаввур қилиб бўлар-миди?

Иккинчи бир ўзгариш — мустақиллик йилларида шаҳар ва кишлоқларимиз ҳаддан ташқари чирой очиб кетди. Утган йили Тошкентга борган эдим — танилмай қолдим. Ўзимизнинг туман марказимиз ҳам нақадар гузаллашиб кетди. Бу нарсалар киши-нинг қалбига завқ бағишламай қолмайди.

3. Шу кун тетапога бўлиб келаятган авлод ниҳоят-да бахтли авлоддир. У ёруғ бир кунда туғилди. Бу авлод Ўзбекистонимиз ўз қадди-бастини бутун улуг-ворлиги билан жаҳонга қўз-қўз қиладиган бир давр-да яшайди, зотан уларнинг манғлайида юлдуз бор. Мабодо биз аввал чор Россияси, кейин эса СССР империяси қабохатларини чекмаган, ўз юртимизга ўзимиз соҳиблик қилган бўлганимизда, биз ана ўша нурафшон кўнларга аллақачон етишган бўлардик.

Қўйилган саволга эса бир сўз билан жавоб бер-моқчиман: Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу сўзни илк бор Президентимиз айтган ва унда олам-олам ҳикмат бор. Бу ҳикматга бирор бир қўшимча қўиш мумкин эмас.



1991 — 1998

Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

1991 йил 1 ноябрда ташкил топган. Ҳозирда у 74 кишидан иборат Олий Мажлиси депутатлари фракциясига эга. У «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналининг муассисидир. Республикада бу партия аъзолари кўпчиликни ташкил этади.

«ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИ

1992 йилда таъсис этилган. Партия ўз сафларида бизнесменларни, ишбилармонларни ва бошқа кишиларни бирлаштирган. Партиянинг 14 кишидан иборат Олий Мажлиси депутатлари фракция рўйхатига олинган. Партия «Ватан» газетасининг таъсисчиси.

«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

1995 йилнинг февраль ойида таъсис этилган. Партия ўз сафларида жамиятнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган фуқароларни бирлаштирган. Партиянинг асосий мақсади жамиятнинг барча соҳаларида инсоний ва ижтимоий адолатни амалга жорий этишдир. «Адолат» партиясининг 47 кишидан иборат Олий Мажлиси депутатлари фракцияси фаолият кўрсатмоқда. Партия ўзининг «Адолат» номли газетасига эга.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ПАРТИЯСИ

1995 йил 3 июль кuni дунёга келди. Партия Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустақамлаш, халқ маданиятини ривожлантириш, республикада ижодкорларни, зиёлиларни бирлаштиришга хизмат қилади. Партия ўз атрофига илм-фан, маданият ва маорифда хизмат қилаётган йирик олимларни, ижодкорларни бирлаштирган. У ўзининг «Миллий тикланиш» газетасига эга.

Кўппартиявийлик ва фуқаролик жамияти

Сиёсий партиялар жамиятга нима учун керак? «Сиёсий партия, — дейилади Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунида, — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўйбга чиқаришга интилуви ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўпчилиги бирлашмасидир».

Хўш, Ўзбекистонда сиёсий партиялар қачон пайдо бўлди? Агар ўтган етти йилга назар ташлайдиган бўлсак, биринчи навбатда республикада сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асоси пайдо бўлганлигини кура-миз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» (1991 йилги), «Сиёсий партиялар тўғрисида» (1996 йилги) қонунлар бундай жамоатчилик сиёсий бирлашмалари пайдо бўлишига асос бўлди.

Дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик партияси вужудга келган бўлса, ундан кейин «Ватан тараққиёти», «Адолат», «Миллий тикланиш» партиялари бирин-кетин истиклол ва демократия меваси сифатида дунёга келди.

Бизга тарихдан маълумки, якпартиявийлик жамият ҳаётида яхши самара бермади. Бир партиянинг ҳукмронлик қилиши авторитар ва тоталитар белгиларга эга бўлган сиёсий режими-нинг шаклланишига олиб келди. КПСС мисолида биз шунга ишонч ҳосил қилдикки, жамиятда бир партиянинг ҳукмронлик қилиши охири-оқибатда демократиянинг емирилишига, халқнинг ҳокимиятдан, ҳокимиятнинг эса халқдан аж-ралишига сабаб бўлди. Сиёсий ҳокимиятга яққа ҳужайинлик қилиш субъективизм ва волюнтаризмга кенг йўл очиб беради, фуқаролик жамиятини таг-томи-ри билан емиришга олиб келади.

Кўппартиявийлик — фуқаролик жамиятининг ажратиб бўлмас белгисидир. Айнан кўппартиявийлик ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг мақсад, эҳтиёж ва ниятларини ошқорла билиб олиш имкони туғилади. Кўппартиявийлик принципининг қонунаштрилиши жамиятдаги барча сиёсий партиялар ва оқимлар ўртасида мунтазам равишда рақобатлашиш имконини беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмушини қаролатишда кўппартиявийликни шакллантиришни ҳақиқий демократиянинг муҳим ва қонуний белгиси сифатида эъти-роф этади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, кўппартиявийлик жа-

миятга хавф солаётган барча хатарларга тўғон була олмайди. У сиёсий фаолиятнинг гарови эмас, фақат шундай фаолият учун етарли шарт-шароит яратиб беради, ҳоло.

«Янги типдаги» сиёсий партия неча ўн йиллар ҳукмронлик қилиб бўлган, энди бизнинг республикада кўппартиявийликка ўтмоқда. Бу жараён хийла вақтни эгал-лайди. Бироқ кўппартиявийлик шундайчасига битта партия ўрнини бир неча партия эгаллаб олишидир деб уйлаш хато бўлур эди. Партиялар бир неча, хатто жуда кўп бўлиши мумкин, лекин уларнинг жамият сиёсий ҳаё-тидаги реал фаолияти рақамий, сони ва ташкилий ти-зимлари жуда тор бўлса, жамиятда кўппартиявийлик мавжудлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожа-ти қол-майди.

Ўзбекистон Президенти ўз маърузаларида таъкидла-ганидек, демократиянинг сифати партиялар сонини ку-лайтириш билан белгиланмайди. Кенг ижтимоий таба-қалар манфаатини ўзида акс эттирган сиёсий партия-ларнинг фаолияти учун етарли шарт-шароит яратмоқ зарур.

Бизнинг фикримизча, кўппартиявийлик нима эканли-ги ва унинг ҳозирги замон демократик фуқаровий жа-мийтини шакллантиришдаги ролини яхшироқ тушуниб етиш учун, биринчи навбатда, партия ўзи нима ва пар-тиялар қачон пайдо бўлган, деган саволга жавоб то-помимиз лозим. Сиёсий партияларнинг тузилиши ва ша-кланиш тарихи фуқаролик принципи ривожланиши ва жамият кенг табақаларининг сиёсий ҳаётга жалб этили-ши билан узвий равишда боғлангандир. Биринчи пар-тиялар анча имтиёзга эга бўлган, фуқаролик эрк-ху-риятдан фойдалана оладиган гуруҳларни ўз атрофи-да жамлаган эди. Бундай партиялар XVII асрнинг охи-рида Англияда пайдо бўлди. Булар тори ва виғлар пар-тияси бўлиб, улар асосида XIX асрнинг иккинчи ярми-да Консерватив ва Либерал партиялар пайдо бўлди. Бу партиялар ҳозирги партиялардан кўпгина жиҳатлари билан ажралиб туради. Улар анча юрди маълумотга эга бўлган, ўз олдига сиёсий сайловларга қатнашиш мақ-садини қўя билган кишилар доирасидан ташкил топган эди.

Кўппартиявийликни шакллантириш, айниқса, демок-

ратик тараққиёт тажрибаси билан таниш бўлмаган жа-миятда бирданига осон кечмайди, зотан кўппартия-вийликни жамиятда бирданига амалга ошириш анча мушкулдир.

Ҳақиқий кўппартиявийлик фақат бир неча партиялар-нинг рўйхатдан ўтишигина эмас, бу барча сиёсий пар-тиялар тенгма-тенг ҳуқуқий шароитларда бўлган, жа-мият барча гуруҳ ва табақаларига таъсир кўрсатишда виждонан мусобақалашадиган, аниқ фаолият кўрсати-дан тизимдир. Бу тизимни тузиш ва изга солиш ният-да мураккаб ва вақт талаб қиладиган иш. Буни амалга ошириш учун кўпгина омиллар зарур.

Биринчи омил—кўппартиявийликни фуқаролик жамия-тини шакллантиришнинг ажралмас шарт-шароити деб тушуномлиқдан иборат. Бунда партиялар ҳокимият ти-зими ва халқ, давлат ҳамда жамиятни узаро боғловчи занжир бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан олиб қа-ранда, жамият барча табақаларининг у ёки бу мақсадни амалга оширишда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу нарсани Ўзбеки-стон мисолида яққол куриш мумкин. Давлатимизда бар-ча партиялар фақат ўшбу ҳудудда эмас, балки жумлаи жаҳонда тинчликни сақлаш, барча халқларнинг гуллаб яшашини таъминлаш, фаровонликка эришишни асо-сий мақсад қилиб қўйганлар.

Шунинг учун ҳам бизнинг республикада тараққиёт-нинг ҳозирги ривожланиш даврида асосий вазифа пар-тиялар сафига кўпроқ аъзо қабул қилиш эмас, балки жамият барча табақалари томонидан қўллаб-қувватла-надиган дастур, мақсад ва ижтимоий технологиялар иш-лаб чиқишдан иборат.

Республикада Президент Ислам Каримов таъкидла-гани каби, сиёсий партия ва оммавий ҳаракатлар хал-қ ва ҳокимиятнинг бир-бири билан боғлиқдиган демок-ратик институт бўлмоғи лозим. Бир нарсаси алоҳида аҳамият бермоқ керак. Кўп йиллик демократик ривож-ланиш таърибасига эга бўлган мамлакатларда партия-ларнинг мусобақалашуви жамият тиргаги, уни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиш асосий принципларига таъ-сир ўтказмайди. Партиялар жамиятнинг асосий мақсад-ларини амалга оширишда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қи-ладилар.

Партиялар ҳақида гап кетганда, муҳолифат ҳақи-да ҳам айтмасликнинг иложи йўқ. Биз бу ўринда «халис муҳолифат» концепцияси ҳақида айтиб ўтмо-ғимиз лозим. Бу нарсани Леонид Левитин ўзининг «Ислам Каримов — янги Ўзбекистоннинг Президенти» китобида яхши ифодалаган: «Демократик жа-миятда томонлар ўшбу жамиятнинг асосий мақса-дини ёқлаб чиқадилар. Сиёсий рақиблар бир-бир-ларини севишлари шарт эмас, бироқ улар бир-бир-ларига нисбатан тоқат билан муносабатда бўлмоқ-лари ва ҳар бирлари қонуний ва муҳим роль ўйнаёт-ганликларини эътироф этмоқликлари лозим. Устига устак жамиятнинг асосий қонунари ҳокимият ва му-ҳолифатни узаро тоқатли бўлишга даъват этмоғи даркор».

Шу нарсани алоҳида таъкидламоқ лозимки, Ўзбе-кистон Республикасининг Президенти мазкур маса-лага катта аҳамият беради.

Президент муҳолифат ташкилий жиҳатдан ўзига тегишли пухта юридик статусга эга бўлиши, Консти-туция ва қонунларни ҳурмат қилиши, мамлакатда давлат ва ижтимоий тузумнинг мўтадил аҳволда бўлиши учун ўз ҳатти-ҳаракати га жавоб бериши, дав-лат тузумининг муқобил лойиҳасига эга бўлиши ло-зимлигини уқтиради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бир неча партиялар тузилди. Улар қаторига Халқ Демократик партияси, «Адолат» социал демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Миллий тикланиш» партиялари кириди. Уларнинг дастурлари турлича бўлгани билан пировард мақсади бир, яъни муста-қил Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини таъминлаш-дир. Бу йўлда улар турли дастурларга таянган бўл-салар-да, бир мақсад йўлида ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилаётирлар.

Зайниддин ИСЛОМОВ,
Ҳуқуқшунос фанлари доктори,
профессор.

Партия ахбороти МИЛЛИЙ МАФКУРАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ет-ти йиллиги муносабати билан жойларда катта тар-гибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Улар-да мустақилликнинг моҳияти кенг очиб берилиб, шу қисқа даврда эришилган ютуқлар тарғиб эти-лапти. Ана шу муҳим ишлардан келиб чиқиб Ўз-бекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг қароргоҳида яқинда давра суҳбати ўтказилди.

Унинг бош мазмунлари миллий мафқурани тарғиб қилиш-да партиянинг ролини оширишга қаратилди. Давра суҳ-батда иштирок этган Қашқадарё вилояти маърифат ва маънавият маркази бошлиғи Маматқул Ражабов, «Мо-ло» жамғармаси вилоят бўлими раиси уринбосари Со-биржон Ибрагимов, вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи уринбосари Шавкат Маматов, Қарши шаҳар Чақар маҳал-ла фуқаролар йиғини раисаси Норгул Мустафоқулова у-ларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан уртоқ-лашдилар. Давра суҳбатида миллий мафқурани тарғиб қилишда партиянинг ролини ошириш билан боғлиқ вази-фалар ҳусусида ҳам келишиб олинди.

Унда Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг иккинчи котиби Зокир Раҳимов иштирок этди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

ТАШАККУР ИЗҲОР ЭТИЛДИ

Маълумки, шу йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси «1998-99 ўқув йилида Ўзбе-кистон Республикаси-нинг олий таълим муассасаларига қабул бўлишга қарор қабул қилди. Ушбу қарор асосида талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби ва қондалари ҳақидаги Низом тас-диқланди.

Маъмур қарордан келиб чиқиб бу йил Наманган шаҳ-ридаги урта олий ва бешта урта махсус ўқув юртиларига тест синовлари асосида та-лабаларни қабул қилиш ре-жалаштирилган. Шу муноса-бат билан яқинда Наманган шаҳар ҳокимлигида «1988 йилда шаҳардаги Олий ва урта махсус ўқув юртиларига тест синовларини ўтказиш»га бағишланган семинар-кен-

гаш бўлиб ўтди.

И. ЗОКИРОВА.

Ислохот ва самара

ИЖАРАЧИНИНГ ҚУВОНЧИ

Дехқончиликка кўнгли кўйиб, унга сидқидил-дан меҳр боғлаган ҳар қандай одам билан суҳ-батлашманг, бир хил фикрни эшитасиз: — Ерни улуглагани — эл улуглайди. Зеро, бу гапда алоҳида ҳикмат бор. Ер чин-дан ҳам ҳақиқий фидойи дехқонни улуглайди. Унга қалбини очиб, неъматларини сочади. Юрт-ни ризқ-насибдан баҳраманд айлайди. Шулар-ни ўйларкан Исмоилнинг қалби алоҳида фах-рифторга тўлади. Эл севган, ардоқлаган соҳа-нининг этакини тутиб адашмаганига, шу қасбининг орқасидан кут-барақа, ризқу насиба топаётга-нига шукроналар айлайди.



Исмоил Абдиев асли букалик. Шу тумандаги «Улугбек» жамоа ҳужали-гида ижарачи бўлиб иш-лайди. Беш гектар пахта майдони бор. Мана шу ер-да ҳужалик ўтган йили бор-йўғи 10 центнердан «ҳосил кутарди». Жамоа-да ишлаб барақа топма-ган пахтакорларнинг яна омади юришмай қолди. — Ерни ижарага ола-миз, — деди йил бошида Исмоил Абдиев ақиллари билан кенгашиб. — Акс ҳолда на қозонимиз мой-га тўлади ва на қумичи-миз.

Ўз навбатида бунга мустаҳкам замин ҳам хо-зирланганди. Кишлоқ ҳу-жалигидаги иқтисодий ис-лохотларни чуқурлашти-ришга хизмат қилувчи бир-катор қонуналарнинг Олий Мажлис сессияси томони-

— Мустақилликнинг ша-рофати бу, — дейди И-смоил Абдиев истиклол берган саодатдан чексиз фахру қувончга тўлиб. — Ижарачининг энди ошиғи олчи бўлади. Энг муҳими, унинг манфаатларини қат-тор қонунлар ҳимоя қи-лади. Аслида меҳнатнинг та-ғи роҳат, деганлари шу-да. Бу йил 22 тонна пах-тани биринчи навларга топширишни мўлжалла-ганмиз. Йигим-теримни атиги беш иш кунинда

— Мустақилликнинг ша-рофати бу, — дейди И-смоил Абдиев истиклол берган саодатдан чексиз фахру қувончга тўлиб. — Ижарачининг энди ошиғи олчи бўлади. Энг муҳими, унинг манфаатларини қат-тор қонунлар ҳимоя қи-лади. Аслида меҳнатнинг та-ғи роҳат, деганлари шу-да. Бу йил 22 тонна пах-тани биринчи навларга топширишни мўлжалла-ганмиз. Йигим-теримни атиги беш иш кунинда

яқунлаш ниятимиз бор. Режаларимиз амалга ош-са, нақд бир миллион сумлик фойдани қўлаб турибмиз.

Бугун ҳаёт дехқонга ҳи-собдонлиқни ҳам ургат-моқда. Ҳисобини билган эса ҳеч қачон ҳамнидан айрилмайди. Боғлиқлик бойлик, мартабасига мар-таба қўшилиб боравера-ди.

Рустам ДОСТОН,
«Адолат» мухбири.

СУРАТДА: Исмоил Абдиев ижара аъзолари — Ойлар, Нафиса, Дилдора Абдиевалар билан гўзаллар ривожини кўздан кечиришмоқ-да.

Хусанбой АБВАЛОВ
олган сурат.

Истиқлол шуури

ВАТАН ТУЙҒУСИДАН ҚАЛБИ МУНАВВАР...

Академик Азиз Қайумов шундай ҳикоя қилади: —1979 йил Кўлэзмалар институтига директор бў-либ энди иш бошлаган пайтим ёш шоир Олимжон Бурiev илаш хохшини билдириб менга мурожаат қилди. «Юлдузимиз тўғри келса, ишлаб кетарсиз?» дея ишга қабул қилиш билан бирга «шеърларингизни бир ўқисам» деб ховиш билдирдим. Унинг талай шеър-лари ва тожик шоирларининг ижодидан қилган айрим таржималарини ўқиб, иқодида истеъдод учкун бор-лигидан мамнун бўлдим. Унга Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони таржимасини топширдим.

Уч-тўрт кун ўтмай, бир бобни таржима қи-либ келди. Таржима билан аслиятни солиш-тирсам ҳам оҳанг, ҳам шакл ва ҳам мазмун узаро мутаносиб. Чунончи: «Камони ишқ ҳар чо афганат тир, Сипардори набошад кори тadbир»

байти «Ишқ камони ҳар қаёнга отса ўқ, Уни қалқон билан тўсиб бўлмас, йўқ» деб ўғирланган ва ҳоказо.

Достон таржимаси тўқсон минг нусхада 1983 йили ҳозирги «Шарқ» нашриётида чоп этилди».

Ҳар бир талантли ижодкорнинг меҳнат маҳсули қийинчиликларсиз юзага келмайди, ўз навбатида нашр этиб оммалашшида ҳам талай муаммолар кўндаланг бўлади. Олим-жон Бурievнинг ёзувчилар уюшмаси нашр-га тавсия қилган илк шеърли тўплами ун-йилдан сунг «Аттиор» номи билан «Гафур Ғулом» нашриётида босилди. Шу йил шоир-нинг омади чопиб, мумтоз тожик шоири уст-оз Абдураҳмон Жомийнинг 575 йиллиги юбилей муносабати билан «Лайли ва Маж-нун», «Саломон ва Абсол» достонлари тар-жимаси ҳам нашр этилди. Айниқса ёш ки-тобхонларга мўлжаллаб нашр этилган Сайи-до Насафийнинг «Ким зур?» («Баҳориёт») ва Низомий Ганжавийнинг ҳикоятларидан тар-киб топган «Баққол ва тулки» китоблари тар-жимон шоир жиддий изланишларининг са-мараси бўлди.

Истиқлол шабадалари шоир ижодида руҳ бағишлади. У 1997 йил Ўзбекистон Респу-бликаси мустақиллигининг олти йиллигида «Гурури миллат тимсоли» шеърли достон-қасидаси («Меҳнат» нашриёти)ни мушта-рийларга тўхфа этди.

Олимжон Бурiev бир ижодкор сифатида истиклолни шарафлаб жиддий асарлар ёзиш билан банд бўлди. У «иззаман, қанаъ, зал-ламан тамаъ» ҳадисидида «қанотли азиз, таъмагир хорид» ҳикматидага амал қилиб, фа-қат бадий ижодга зур берди. Ўзининг элга бўлган мухаббатини, Ватан туйғусини қуруқ сўзлар ва маддоҳлик билан ифодаламасдан тинмай ишлади, изланди.

Ҳассос шоирнинг Имом ал-Бухорий тавал-лудининг 1225 йиллигига бағишлаб нашр этилган «Маънавият гултожи» китоби «Му-хаммад Пайгамбар», «Имом ал-Бухорий»

шеърли қиссалари ва «Маънавият гултожи» ҳикмат-ли шеърлардан иборатдир. Китоб зарваригада шундай изоҳ берилган: «Пайгамбар-Мухаддис-Ҳадислар раамзий бир бутунликини ифода эта-ди, бамисоли Қувш-Ой-Юл-дузлар янглиғ муштарийлар қалбини мунаввар этиб, ча-роғонлик дунёсига етаклайди

ҳамда ёш китобхонларни пок ниятли, ий-мон-эътиқодли, ватанпарвар, қомил ин-сон бўлиш ва маънавий дурдоналарни қадрлашга даъват этади».

Шоир улуг устозлар йўлидан бориб, маснавийда Мухаммад Пайгамбар ҳақи-да катта шеърли қисса яратган. Китоб-хон шеърли қиссани мутолаа қиларкан, Расулulloҳнинг узгалардан ҳеч қачон мадад ва кумагини аямайдиган, меҳри-бон, шафқатли, халқпарвар, адолатли, қомил инсон эканликларини яққол та-саввур қилади.

Олимжон Бурievнинг ҳали тандирдан янги узилган нондай кунчи кеча китоб-хонлар эътиборига ҳавола этилган «Аҳ-мад ал-Фаргоний» шеърли достони ҳам улуг алломанинг 1200 йиллик туйғига илк тўхфадир.

Достонда Аҳмад Фаргоний ҳаёти ва ижодий фаолияти гоят қамеб тарихий манбаларга асосланган ҳолда бадий қобққа моҳирона ураллиб берилган. Олимнинг илмий кашфиётлари, сафар-ларда бўлиши, устоз ал-Хоразмий ила ҳамкорлиги, самовий илмга асос оли-ши ва Ватанга мухаббати китобхонга гу-рур бағишлайди. Китоб низоҳида муал-лиф аллома руҳий ҳолатини шундай чи-зади:

Аҳмад ал-Фаргоний Дажлага қараб,
Утирар шаббодо соқилин тараб,
Унга хотиралар сўйлағай тўлқин,
Олим руҳияти гоҳ шод, гоҳ сўлгин,
Дарё эса оқар тинмай шовуллаб,
Қалб ўти-орзулар ёнар ловуллаб,
Уни ўчиролмас дарёю денгиз,
Бу олов баридан қучли ва тенгсиз,
Олим ҳаёлида фақат илму фан,
Унга бас юксалса исломий Ватан,
Аҳмад ал-Фаргоний соҳибтаҳайюл,
Илму маърифатда илк очилган гул!
Бугун тўйларига бир минг икки зўл!
Тўлиб, ал-Фаргоний нурафшон юлдуз...
Ватан туйғусидан қалби мунаввар,
Истиқлол ижодида қанот бағишлаган
истеъдодли шоир Олимжон Бурiev
ижодига бир назар ташладик, ҳоло. Унинг
ижод маҳсули халқ мулкига айланлиб қол-
гай. Зеро, ижодкор учун бундан ортқ
бахт йўқ.

Малик МУРОДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, профессор.

